



# Истеъмол кайфияти шарҳи

2024 йил  
май

Ўзбекистон Республикаси  
Марказий банки

## Истеъмомол кайфияти

2024 йилнинг апрель ойида ўтказилган сўровларда 2 700 дан зиёд респондентлар қатнашди. Сўров натижаларига кўра, аҳолининг келгуси 12 ой учун иқтисодий кутилмалари аввалги чоракка нисбатан биров мўтадиллашди (ўтган йилнинг мос даврига нисбатан деярли ўзгаришсиз қолди).

Мазкур даврда респондентларнинг даромад ва харажатлари бўйича кутилмалари, кредит олишга эҳтиёжлари ҳамда жамғаришга бўлган мойиллигида пасайиш кузатилди.

Истеъмомолчилар кайфиятининг олдинги чоракка нисбатан пасайиши уларнинг келгусидаги харажатларида таркибий ўзгаришлар бўлиши кутилаётганлиги шароитида тежамкорликка тайёргарлик билан боғлиқ бўлиши мумкин.


Даромадлар ўсиши бўйича кутилмаларнинг камайиши, кредит олишга эҳтиёжнинг биров мўтадиллашиши харид қилиш истагини пасайтириб, истеъмомолчиларнинг ўз молиявий ресурсларини тежашига сабаб бўлиши кутилмоқда.

Иқтисодиёт ўсиши бўйича ишончнинг сақланиб қолиши билан бирга истеъмомол фаоллигининг биров пасайиши келгуси чоракларда нархларга оширувчи босимни камайтиришга хизмат қилади.

## Даромад субиндекси

**Респондентларнинг келгусида даромадлари ошиши бўйича кутилмалари пасайди.** Ушбу даврда даромад субиндекси аввалги чоракка нисбатан 4,7 ф.б.га пасайиб, **71 бандга** тенг бўлди (ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 0,9 ф.б.га камайган). Бунда, даромад индекси 2023 йилнинг мос чораги даражасига яқинроқ (71,9 ф.б.) шаклланди (1-расм).


1-расм. Даромад, харажат, кредит ва жамғарма субиндекслари ўзгариши<sup>1</sup>




Манба: Марказий банк кузатувлари асосида.

Сўровда иштирок этган аҳоли вакилларининг 66 фоизи келгуси 12 ойда даромадлари ошишини кутмоқда. 2023 йилнинг мос даврида ушбу кўрсаткич 68 фоизни ташкил этган бўлса, аввалги чоракда 72,5 фоизга тенг бўлган.

2-расм. Даромадлари ўзгариши кутилмалари бўйича жавоблар тақсимоти (улуши, фоизда)



3-расм. Даромадлар даражаси кесимида жавоблар тақсимоти (улуши фоизда)




<sup>1</sup> Кўрсаткич 50 бандга тенг бўлса сўров иштирокчилари ўрганилаётган кутилмалари ўзгармаганини, агар 50 банддан юқори бўлса кутилмалар ошаётганини ва 50 банддан паст бўлса кутилмалар пасайганини билдиради.

Манба: Марказий банк кузатувлари асосида.

Шунингдек, даромадлари ўзгармаслигини қайд этганлар улуши 4,1 ф.б.га кўпайиб, жами респондентларнинг 25 фоизини, келгусида даромадлари камайишини таъкидлаганлар ҳам 2,5 ф.б.га ошиб, 9,2 фоизни ташкил этди (2-расм).

4-расм. Респондентларнинг даромад манбалари (фоизда)



Манба: Марказий банк кузатувлари асосида.

Асосан юқори даромадга эга респондентларнинг келгусида даромади ошишига бўлган ишонч юқорироқ шаклланган. Бироқ ўтган чорак билан солиштирганда барча даромад гуруҳларида даромади кўпайиши бўйича кутилмалар бироз пасайган. Шу билан бирга, барча даромад гуруҳларида келгусида даромади камайиши ёки ўзгармаслигини таъкидлаганлар улуши ошган (3-расм).

Респондентларнинг асосий қисми (75 фоизи) расмий иш ҳақидан даромад олишларини таъкидлаганлар. Бундан ташқари томорқа, тадбиркорлик фаолиятидан даромад олувчилар ҳамда пул ўтказмалари кўпайишини кутаётганлар улуши ўтган чоракка нисбатан бироз ошган (4-расм).

Сўров натижаларига кўра, барча соҳаларда даромадлар кўпайиши бўйича ижобий кутилмалар шаклланмоқда. Бунда, маиший хизмат, туризм ва кафе-ресторан йўналишида фаолият юритувчиларнинг келгусида даромадлари ошиши бўйича оптимистик кутилмалари қолган соҳаларга нисбатан юқорироқ бўлди. Ташиш

5-расм. Фаолият соҳалари кесимида даромадлари ўзгариши бўйича кутилмалар (улуши, фоизда)


Соҳалар	кўпаяди	ўзгаришсиз қолади	камаяди
ишлаб чиқариш	67	24	9
қурилиш	71	15	14
қишлоқ хўжалиги	72	17	11
маиший хизмат	81	10	10
кафе-ресторан	74	24	2
ташиш хизмати	61	34	5
фан-таълим	64	25	11
тиббиёт	62	24	14
коммунал хизмат	66	30	4
туризм	80	11	9
банк ва молия	67	26	7
давлат бошқаруви	66	28	6
АТ ва ОАВ	69	22	9
савдо	70	22	8
бошқа	60	29	12

хизматлари, тиббиёт ва фан-таълим соҳа вакиллари даромадлари нисбатан камроқ ошишини кутмоқдалар (5-расм).


### Харажат субиндекси

**Келгуси 12 ойда истеъмолчилар харажатларини оптималлаштиришга бўлган харажатлари кузатилмоқда.** Жорий йилнинг дастлабки чорагида харажат субиндекси аввалги чоракка нисбатан 3 ф.б.га камайиб, **77,8 бандни** ташкил этди. Хусусан, респондентларнинг 77 фоизи келгуси 12 ойда харажатлари кўпайишини кутмоқдалар. Ўтган йилнинг мос даврида харажатлари ошишини кутганлар улуши 79 фоизга тенг бўлган.

**6-расм. Келгуси харажатларнинг ўзгариши бўйича кутилмалар (улуши, фоизда)**



**7-расм. Даромадлар кесимида харажатларнинг ўзгариши бўйича кутилмалар (улуши, фоизда)**



Манба: Марказий банк кузатувлари асосида.

Бунда келгусида харажатини ошишини кутаётганлар улуши аввалги чоракка нисбатан 3,8 ф.б.га камайган бўлса, харажати ўзгармаслигини билдирганлар 2,6 ф.б.га (16 фоиз респондентлар) ҳамда харажати камайишини таъкидлаганлар 1,1 ф.б.га (7 фоиз) ошган (6-расм).

Барча даромад вакилларида келгусидаги харажатлари кўпайишини таъкидлаганлар кўпчиликти ташкил этмоқда. Шундан, 5 - 10 млн. сўм ва 10 млн. сўмдан юқори даромад олувчилар гуруҳида келгусида харажатлари ошишини кутаётганлар қолганларга нисбатан юқорироқ (80 фоиздан юқори) шаклланмоқда (7-расм).

## 8-расм. Йирик харидлар/харажатлар ўзгариши



Манба: Марказий банк қузатувлари асосида.

Сўров иштирокчилари келгусида уй-жой таъмирлаш, таълим учун тўловлар ва автомобиль харид қилишни кўпроқ режалаштирмақдалар. Бундан ташқари, ўтган чорақда автомобиль, уй-жой таъмири ва харид қилиш, саёҳат қилиш, тўй маросимлари ўтказиш ва мебель харид қилганини таъкидлаганлар улуши ҳам кўпчиликни ташкил этди (8-расм).


Бу эса келгусида истеъмолчилар томонидан ушбу товар ва хизматларга юқори истеъмол талабини рағбатлантириб, нархларга кўшимча босимни сақланиб қолишига мумкинлигини кўрсатади.

### Кредит субиндекси


**Истеъмол кредитига бўлган ялли талаб ўтган чорақка нисбатан бироз пасайган бўлсада, лекин ҳамон юқори даражада сақланиб қолмоқда.** Респондентлар фикрига асосан, 2024 йил I чорақда кредитга бўлган талаб ўтган чорақка нисбатан 2,3 бандга қисқариб, кредит субиндекси **69,2 бандга** тенг бўлди.

Ушбу кўрсаткич 2023 йилнинг I чорагида **70,7 бандни** ташкил этган.

**9-расм. Келгусидаги кредитга бўлган талаб ўзгариши бўйича кутилмалар тақсимоти (улуши, фоизда)**



**10-расм. Даромадлар даражаси кесимида кредитга бўлган талаб (улуши, фоизда)**



Манба: Марказий банк кузатувлари асосида.

Келгуси 12 ой давомида кредитлари миқдори ошишини билдирганлар улуши аввалги чоракка нисбатан 3,9 ф.б.га камайиб, жами респондентларнинг 61,5 фоизини ташкил этди. Келгусида кредити камайишини ёки ўзгармаслигини қайд этганлар улуши бироз кўпайиб, мос равишда 9,9 фоиз ва 28,6 фоизга тенг бўлди.

Келгусида кредит олишни режалаштирганлар, асосан, **3 млн. сўмгача** ва **7-10 млн. сўм** даромадлилар гуруҳида кўпайган бўлса, **3-5 млн. сўм**, **5-7 млн. сўм** ва **10 млн. сўмдан юқори** даромад олувчилар гуруҳида бироз камайган (10-расм).

**11-расм. Келгусида кредитга ва харидларга бўлган талабнинг шаклланиши**

		Келгусида харажатларнинг ўзгариши					Келгусида харажатларнинг ўзгариши				
		2023 й IV чорак					2024 й I чорак				
		кўпаяди	бироз кўпаяди	ўзгармайди	бироз камайди	камайди	кўпаяди	бироз кўпаяди	ўзгармайди	бироз камайди	камайди
Келгусида янги кредитга бўлган талаб	ошади	23	7	3	1	1	19	6	4	1	1
	бироз ошади	13	13	3	1	0	13	14	3	1	0
	ўзгаришсиз қолади	10	8	6	1	0	9	10	7	1	1
	бироз камайди	2	1	1	0	0	2	2	1	0	0
	камайди	2	1	1	0	0	2	1	1	0	1

Манба: Марказий банк кузатувлари асосида.

Бундан ташқари, харажатларини кредит олиш орқали қоплаш истагини билдирган истеъмолчилар улуши ўтган чоракка нисбатан бироз қисқарган. Ушбу ҳолат респондентларнинг келгусида

харажатлари таркибининг ўзгариши ва тежамкорликка тайёргарлик билан изоҳланиши мумкин.

Келгуси чорақларда иқтисодий фаолликнинг юқори сақланиб қолиниши ва бунда уй хўжалиқларининг мавсумий харажатларга мойиллиги ошиши кредитга бўлган эҳтиёжни кўпайтириши мумкин (11-расм).

### Жамғариш субиндекси


**Аҳолининг жамғариш кайфияти ўтган чорақка нисбатан биров пасайди.**

Жорий йилнинг I чорағида жамғариш кайфияти 2,6 ф.б.га пасайди ва субиндекс кўрсаткичи **68,4 бандга** тенг бўлди.


Келгусида жамғармалари миқдори ошишини кутаётган респондентлар улуши 3,3 ф.б.га камайиб, **63,2 фоизни (2023 йилнинг I чорағида 62,1 фоизга тенг бўлган)** ташкил этди (12-расм).

Аҳоли реал даромадларининг ўсиши, иш хақи ва нафақаларининг оширилиши ва айти кунда тижорат банклари томонидан таклиф этилаётган аҳоли депозитлари бўйича фоиз ставкаларининг жозибадорлиги ҳисобига жамғаришга бўлган мойиллик юқори сақланиб қолмоқда. Шунингдек, келгусида жамғармалари ўзгармаслигини билдирганлар улуши аввалги чорақка нисбатан 2,6 ф.б.га пасайиб, 24,1 фоизни ташкил этди.

12-расм. Респондентларнинг жамғармалари ўзгариши бўйича кутилмалари



13-расм. Жамғарманинг етарлилик даражаси бўйича кутилмалари



Манба: Марказий банк кузатувлари асосида.

Бундан ташқари, жамғармалари камайишини кутаётганлар улуши аввалги чорақка нисбатан 0,8 ф.б.га кўпайиб, 12,7 фоизни ташкил этди.




Респондентларнинг келгусида жамғармаларининг етарлиги даражаси бўйича оптимистик кутилмалар сақланиб қолмоқда (13-расм).


Хусусан, жамғармалари **3-6 ойгача** етишини таъкидлаганлар улуши ортган бўлса, жамғармалари **1 ойгача, 1-3 ой ҳамда 6 ойдан ва ундан узоқроққа** етишини кутаётганлар бироз камайган. Шунингдек, жамғармаси йўқлиги маълум қилганлар улуши ўтган чоракка нисбатан ошган.

Сўров иштирокчиларининг аксарияти I чоракда молиявий ҳолати сезиларли ўзгармаганлигини таъкидлади. Шунингдек, респондентлар орасида молиявий аҳволи яхшиланганини таъкидлаганлар улуши камайган.

14-расм. Респондентларнинг молиявий ҳолати ўзгариши



15-расм. Жамғармаларни сақлаш шакллари



Манба: Марказий банк кузатувлари асосида.

Аксарият респондентлар жамғармаларини **нақд пул кўринишида** (52 фоиз) ва **тижорат банкларида** (25 фоиз) сақлашларини билдирганлар (13-расм). Бунда, аввалги чоракка нисбатан нақд кўринишида сақлашни маъқул кўрганлар улуши 1 ф.б.га, банкда сақлашни афзал билганлар улуши 3 ф.б.га қисқарган.


### Иқтисодиёт бўйича кутилмалар

Аҳолининг келгуси 12 ойдаги иқтисодиёт истиқболи бўйича кутилмаларида ўзгариш кузатилмоқда. Жумладан, респондентларнинг 58 фоизи келгусида мамлакат иқтисодиёти яхшиланишига ишонч билдирган бўлса, иқтисодиётнинг жорий ҳолати ўзгармаслигини таъкидлаганлар 29 фоизни ташкил этмоқда.


Таъкидлаш жоиз, мамлакат иқтисодиёти бўйича ижобий кутилмаларни билдирганлар улуши 2023 йилнинг мос даврига нисбатан сезиларли ўзгармаган.

Ўрта муддатли иқтисодий кутилмалар ижобийлиги сақланиб қолди (16-17-расмлар).

**16-расм. Келгуси 12 ой учун мамлакат иқтисодиёти бўйича кутилмалар**



**17-расм. Келгуси 3 йилда мамлакат иқтисодиёти бўйича кутилмалар**



Манба: Марказий банк қузатувлари асосида.

## Истеъмом кайфияти индекси

Марказий банк томонидан аҳолининг кенг соҳа вакилларини қамраб олган ҳолда ўтказиладиган сўровлар натижалари асосида бериб бориладиган **истеъмом кайфияти индекси<sup>2</sup> (ИКИ)** ни ҳисоблашда сўров иштирокчиларининг келгусидаги **даромадлари, харажатлари, кредитлари ва жамғармалари ўзгариши** бўйича танланган жавоб вариантлари сонидан келиб чиқиб шакллантирилади.

Бунда, респондентлар томонидан белгиланган жавоблар вариантлари қуйидаги вазнлар орқали умумлаштирилади ва нормаллаштирилади:

сезиларли даражада кўпайиш/ошиш (ижобий) – 100;

бироз кўпайиш/ошиш (ижобий) – 75;

нейтрал жавоб (ўзгаришсиз) – 50;

бироз камайиш (бироз салбий) – 25;

сезиларли даражада камайиш (салбий) – 0.

Агар ҳисобланган субиндекс кўрсаткичи 50 бандга тенг бўлса сўров иштирокчилари ўрганилаётган кутилмалари ўзгармаганини кўрсатади. Агар 50 банддан юқори бўлса кутилмалар ошаётганини билдиради. Агар субиндекс кўрсаткичи 50 банддан паст бўлса кутилмалар пасайганини билдиради.

Шунингдек, субиндекс 100 бандга тенг бўлса барча респондентлар юқори ошишини кутаётганини англатса, 0 бандга тенг бўлиши барча сезиларли камайишини билдирганини англатади.

<sup>2</sup> Индекс кўрсаткичи 0 дан +100 оралиғида бўлиб, кўрсаткич +100 га яқинлашгани сари истеъмом кайфиятидаги ижобийликни ифодалайди.

© Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, 2024 йил

---

*Пул-кредит сиёсати департаменти томонидан тайёрланди.*

*Ўз таклиф ва эътирозларингизни қуйидаги манзилга жўнатишингиз мумкин:*

*E-mail: [achilov@cbu.uz](mailto:achilov@cbu.uz)*

*Тел.: (+998) 71 212-60-22*